

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ҲАМДА САЙЛОВ
УЧАСТКАЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА
АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН АХБОРОТИ
ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 10-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари ҳамда сайлов участкаларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширган ишлари юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар хавфсизлигини таъминлаш чораларини янада кучайтирсин;

- участка сайлов комиссияларидаги сайлов варақалари ва сайлов бюллетенларини сайлов кунига қадар кўриқлаш чораларини кўрсин;

- сайлов кунини овоз бериш якунлангач, тегишли ҳужжатларни округ сайлов комиссиясига ўз вақтида етказилишида хавфсизликни таъминласин;

- округ сайлов комиссиялари томонидан сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлашга доир округ сайлов комиссиясининг баённомаларини Марказий сайлов комиссиясига белгиланган муддатларда ва хавфсиз етказиш чораларини кўрсин;

- Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов якунлари расман эълон қилинадиган кунгача сайлов участкаларида сақланаётган сайловга доир ҳужжатларни (сайлов варақалари ва сайлов бюллетенлари) тегишли ҳокимлик архивига топширилгунга қадар кўриқланишни таъминласин.

3. Ички ишлар органлари ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида сайлов комиссияларининг мустақиллиги ва улар ишига аралашшига йўл қўйилмаслик тамойилларига қатъий риоя этсинлар.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Курбанкулов зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 декабрь,
№ 787.*